

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ
КЎРСАТКИЧЛАРИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШ**

Сафарова Дилшодахон Ешмухаммадовна

Иқтисодиёт ва сервис кафедраси

Фаргона давлат университети

Аннотация: мақолада Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ва макроиқтисодий кўрсаткичларини статистик баҳолаш ва таҳлил қилиш тизими ҳақида гап борган.

Калит сўзлар: Статистика, иқтисодиёт, сервис, аудит, макроиқтисодиёт.

**STATISTICAL ASSESSMENT OF ECONOMIC PERFORMANCE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

Safarova Dilshodaxon Eshmuhammadovna

Department of Economics and Service

Fergana State University

Annotation: The article deals with the system of statistical assessment and analysis of economic and macroeconomic indicators of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: Statistics, economics, service, audit, macroeconomics.

Мамлакат иқтисодий тараққиётини баҳолаш жараёнида учрайдиган —Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши, —уй хўжаликлари ихтиёридаги даромадлар стагнацияси, —асосий капитал жамғарилишининг ялпи камайиши, —давлат муассасалари секторининг соф қарзлари каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини бугунги кун талабларидан келиб чиқиб англаш, иқтисодий тафаккурни ривожланишига хизмат қилади. Ушбу иборалар маъносини тушуниш учун айтиб ўтилган тушунчанинг маъносини ва улар ўртасидаги алоқаларни билиш лозим бўлади. Шу мақсадда Миллий ҳисоблар тизими (МХТ) асослари билан танишиш, иқтисодий маълумотларни меъёрлаштирувчи ушбу тизимни тузилишини

мантикий тушуниш керак бўлиб, МХТни таҳлил қилаётганда айтиб ўтилган ва бошқа макроиктисодий кўрсаткичлар қўлланилади.

Миллий ҳисоблар тизими – бозор шароитларида хўжалик юритувчи мамлакатларга хос бўлган макроиктисодий ҳисоб-китоблар тизимидир. МХТнинг асосий кўрсаткичлари бўлиб Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва ялпи мавжуд миллий даромад (ЯММД) ҳисобланади. Миллий ҳисоблар тизимини шаклланишига миллий даромадни (МД) ҳисоблаш туртки бўлган. XX асрнинг бошларида МД Англия, Франция, Россия, АҚШ, Германия ва Австрия мамлакатларининг статистиклари томонидан аниқланган. Миллий ҳисоблар баланс шакллариининг бир тури сифатида XX аср 30-йилларининг охири ва 40-йилларнинг биринчи ярмида ривожланган Ғарб мамлакатларида 1929-1933 йилларда содир бўлган Буюк депрессия сабабларини қидириш оқибатида вужудга келган. Бу вақтларда иқтисодчи-олимлар бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солинишининг мақсадга мувофиқлиги ҳақида жиддий ўйга толганлар.

Замонавий МХТнинг асосига кирган иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш зарурияти ҳақидаги назариянинг асосчиси бўлиб инглиз иқтисодчиси Ж.М.Кейнс ҳисобланади. Унинг бозор иқтисодиётини тартибга солиш ҳақидаги қарашлари 1936 йилда нашр қилинган —Бандлик, фоииз ва пулларнинг умумий назарияси¹ ҳақидаги асарида ўзининг аксини топган. Ушбу асарда Кейнс ўзаро боғлиқ бўлган макроиктисодий кўрсаткичлар тизими сифатидаги иқтисодиётни макродаражада таҳлил қилиш учун зарур бўлган маълумотлар тизимини шакллантиришнинг асосий тамойилларини шакллантириб берган, уларнинг қаторига – умумий даромад, истеъмол, инвестициялар, жамғармалар ва бошқаларни киритиш мумкин.

Кўплаб иқтисодчи ва статистиклар миллий ҳисоблар назариясининг ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшганлар. Уларнинг қаторига В.Петти ва Г.Кингларнинг асарларини, Ф.Кенэннинг —Иқтисодий жадвалини²,

С.Кузнецнинг —1919- 1935 йиллар учун АҚШ миллий даромади ва капитал қўйилмалари асарини, А.Маршалнинг —Иқтисодий фан тамойиллари асарини, К.Кларкнинг —Миллий даромад ва харажатлар асарини, К.Маркснинг оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш назарияларини, шунингдек Р.Стоун, М.Гильберт, В.Леонтьев, Р.Фриш ва кўплаб бошқа олимларнинг асарларини киритиш мумкин.

Ҳозирги кунгача миллий ҳисоблар тизимининг ривожланишини еттига босқичга ажратиб кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир. Бу фикрнинг илмий асосланиши ва юқорида номлари зикр қилинган олимларнинг ёндашувларидан фарқли томонлари 1- жадвалда акс этган.

Янги миллий ҳисоблар тизимида энг муҳим кўрсаткичлар орасидаги боғланиш қуйидагича ифодаланади:

1) Ялпи ички маҳсулот;

2) Берилган мамлакат резидентларининг хорижий мамлакатлардан олган даромадлари (мулкдан олинган даромад, меҳнат ҳақи, ишлаб чиқаришга солиқлар);

3) Хорижий давлатларга бериладиган бирламчи даромадлар.

МХТнинг янги андозаси қуйидаги ҳисоблар тизимидан ташкил топади:

1) барча иқтисодий секторлар учун стандарт ҳисоблар;

2) иқтисодий тармоқлар учун ҳисоблар (ишлаб чиқариш ва даромадларнинг ташкил топиш ҳисоби);

3) бутун иқтисодиётни тўлалигича таърифловчи ҳисоблар.

Бугунги кунда Ўзбекистонда миллий ҳисобларнинг жорий ҳолатини ўрганиш ва уни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. жумладан, Уй хўжаликларининг якуний истеъмолга харажатлари халқаро —Мақсадлар бўйича шахсий истеъмол таснифлагичига тажриба тариқасида уйғунлаштирилиши мақсадга мувофиқ.

Миллий ҳисоблар тизимининг шаклланиш босқичлари⁹²

босқичлар	Даврлар	Ҳисса қўшган олимлар	Асосий мақсад	Амалга оширилган ишлар	Эришилган натижа	Қамчилиги
I	XVII асрнинг иккинчи ярмидан 1930 йиллар гача	В.Петти, Г.Кинг, Б.Вобан, Ф.Кенз, А.Смит, Ж.Б.Сэй ва бошқалар.	Мамлакатда йўғилаётган солиқ миқдорини билиш ва келажакда унинг тушумини кўпайтириш чораларини кўриш.	Бюджетга тушадиган солиқлар таркиби, миқдори ва манбалари аниқлаштирилди; Ҳисобларни бажариш усуллари ва манбалари ўртасидаги боғлиқликлар ўрганилди.	Барча солиқ тушумларини аниқлаш ва унинг истиқболда йўғилиши мумкин бўлган солиқ миқдорини белгилашга эришилди.	Факатгина давлат бюджети билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилди.
II	1930-1945 йиллар	Ж.Кейнс, С.Кузнец, К.Кларк ва бошқалар	Ҳўжалик жараён-ларининг макро-иктисодий мутано-сиблигини таҳлил қилиш ва таъминлаш.	Миллий маҳсулот ва миллий даромад, истеъмол ва жамғарма (капитал қўйилмалар) каби кўрсаткичларни ҳисоблаш ва уларни таҳлил этиш ишлари йўлга қўйилди.	Миллий даромадни ҳисоблаш ва миллий ҳисоблар тизимидаги сўғларни тузиш услубиятига бир қатор аниқликлар киритилди.	МХТ кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш услубиятининг ҳамда ҳисобламалар таркибининг турли хил давлатларда турлича бўлиши.
III	1945-1953 йиллар	Р.Стоун ва бошқалар	Макро-иктисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш; Жаҳон иктисодиётини таҳлил қилиш.	Барча давлатларда қўлаш мумкин бўлган, миллий иктисодиётнинг ривожланиш ҳолатини кўрсатиб бевуриш моделдан фойдаланиш ишлари амалиётга киритилди.	МХТ-53 биринчи халқаро андоза яратилди.	Иктисодиётнинг алоҳида секторлари фаолиятини ифодаловчи ҳисобламалар тизимининг йўқлиги.
IV	1953-1968 йиллар	Р.Стоун, В.Леонтьев ва бошқалар	Иктисодиётнинг соҳа ва тармоқлари фаолиятини ифодаловчи сўғлар тизимини ишлаб чиқиш.	МХТ-53 да назарда тутилмаган тармоқларга баланс, миллий бойлик баланси, молиявий ресурслар ҳаракатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди.	МХТ-68 халқаро андоза яратилди.	Айрим мамлакатларда МХТни юритиш тартибда фарқларнинг мавжудлиги.
V	1968-1993 йиллар	Р.Стоун, П.Хилла, Ю.Н.Иванов, А.Ваноли, К.Карсон, Дж.Кумар, Э.Харрисон ва бошқалар	Жаҳон мамлакат-ларининг макро-иктисодий кўрсат-кичлари тўпламини тузиш.	МХТнинг бир неча бўлим ва бўлири янгиланди; Операциялар ва уларни ҳисобга олиш қондалари, яъни ишлаб чиқариш, капитал истеъмоли, капитал захиралари, бозор ва нобозор ишлаб чиқаришнинг нисбатлари каби бир қатор кўрсаткичларни ҳисоблаш методологиясини ишлаб чиқилди.	МХТ-93 халқаро андоза яратилди.	Айрим концепция ва категория-ларнинг ўта мураккаблиги; МХТ асосий кўрсаткичлари ва таснифла-гичларнинг номукамаллиги.
VI	1993-2008 йиллар	Ю.Н.Иванов, Б.Т.Рябушкин, К.Карсон ва бошқалар.	Айрим категорияларга аниқликлар киритиш; МХТни қўллашни содда-лаш-тириш; МХТни ихчам-лаштириш.	МХТ нинг истеъмолчилари учун макроиктисодий кўрсаткичларни таҳлил қилишнинг ихчамлиги ва шаффофлиги таъминланди.	Иктисодиётнинг алоҳида тармоқлари натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими мантиқан аниқ ҳамда анча тушунарли бўлди.	Глобаллашув тенденция-ларининг чуқурлашуви билан боғлиқ ҳодиса ва жараёнларни таҳлил қилишдаги қийинчиликлар.
VII	2008 йилдан	В.Н.Салин, П.Мандлер, Б.Ньюсон, ва бошқалар.	МХТ ёрдамида глобал-лашув жараён-ларини чуқур таҳлил қилишга эришиш.	МХТ-2008 глобаллашув жараёнлари ва янги ижтимоий-иктисодий шароитларга мослаштирилди ҳамда истеъмолчилар эҳтижини янада тўлароқ қондилди.	МХТ-2008 халқаро андозаси яратилди. Глобаллашув тенденциясининг чуқурлашуви жараёнда иктисодиёт субъектлари ҳамда улар ўртасидаги мумоабаларни баъдан ўрганиш ва таҳлил қилишга эришилди.	

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлда қабул қилинган —Давлат статистика қўмитаси тизими фаолиятини янада такомиллаштиришга доир чора-табирлар тўғрисидаги қарориди мамлакатимизда статистика идоралари фаолиятини халқаро амалиётга янада мослаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, статистик ахборотларнинг максимал даражада очиқ-ойдинлиги ва ошқоралигини таъминлаш ишларини такомиллаштириш вазифалари белгиланган. Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, маҳаллий даражаларда миллий ҳисобларни ишлаб чиқиш лозим. Чунки, республика марказий бўғинида миллий ҳисоблар тизимини ишлаб чиқишдан олдин қуйи бўғиндаги статистик ишларни халқаро стандартларга мослаштириш, маълумотлар базасини қайта кўриб чиқиш керак. Шунингдек, миллий ҳисоблар тизими концепциясини қайта халқаро стандартлар асосида қайта ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда мамлакатимизда миллий ҳисоблар тизимини такомиллаштириш учун қуйидаги чора-тадбирлар тизими тавсия этилади: иктисодий тизимни тавсифловчи макроиктисодий кўрсаткичларни

ҳисоблашнинг назарий асосларини чуқур ўрганган ҳолда уларни ҳисоблаш услубиятини такомиллаштириш; ҳозирги шароитда ижтимоий тизимни тавсифловчи макроиқтисодий кўрсаткичлар назарий асослари ва ҳисоблаш услулларини такомиллаштириш; иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ҳодиса ва жараёнларни иқтисодий нуқтаи назардан кузатишнинг назарий асослари ва услубиятини шакллантириш; иқтисодий маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишда замонавий янги технологиялардан фойдаланиш; иқтисодий ахборотларнинг фақат миқдорий кўрсаткичларини ошириш билан чегараланиб қолмасдан, балки сифат жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур.

МХТ иқтисодий сиёсатда юзага келган муаммоларни ҳал қилишда ва мақбул қарорлар қабул қилишда муҳим омил бўлмоқда. Шу билан бирга МХТнинг асосий кўрсаткичлари корхона эгалари томонидан макроиқтисодий тизимни баҳолашда, илмий текшириш ишларида, эконометрик моделларни қайта ишлашда муҳим ўрин эгалламоқда. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, МХТни қўллаш жараёнида ҳар бир давлат иқтисодиётининг ўзига хослиги, маҳаллий шароитлари ҳисобга олинади.

Адабиётлар:

1. Атакузиева, Ш. Р. (2021). Особенности организации бухгалтерского учета субъектов малого предпринимательства. Великий учитель казахского народа и современное знание, 7(5), 87-89.

2. Атакузиева, Ш. Р. (2021). Анализ экономики Узбекистана в условиях пандемии. Тадбиркорликни ривожлантириш асосида камбағаллик ва ишсизлик даражасини камайтириш, 7(5), 159-162.

3. Нуруллаева, М. Ж., Атакузиева, Ш. Р. (2021). Бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришда рақамли иқтисодиётни ўрни. ЁШ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЧИ, 1(1), 81-83.